

ISSN 2010-720X



ILIM HA'M JA'MIYET



FAN
VA
JAMIYAT

2015 (№2)

АВТОРЛАР ДЫҚҚАТЫНА!!!

Журнал редакциясы өз уставының 4-режеси бәнтлерине муўапық «Илим хәм жәмийет» журналына қосымшалар белгиси астында мақалалар топламын, киши-гирим оқыў қолланбалары хәм методикалық көрсетпелер шығарыў хуқықына ийе. Усыған байланыслы журнал редакциясы ЖАК дизимине енгизилген карақалпақ тили, карақалпақ әдебияты, педагогика, психология пәнлери бойынша 2015-жылдың «Баспа режеси»н ислеп шықты. Бул реже бойынша жылына хәр бири 10 баспа табақтан жәми 40 баспа табақ көлеминде 4 топлам «Илим хәм жәмийет» журналының № 1, 2, 3, 4 - санларына қосымшалар сыпатында баспадан шығарыў нәзерде тутылмақта. Бул қосымшалардың еки саны «Қарақалпақ тил билими хәм әдебияттаныўы мәселелери», еки саны «Билимлендириў, илим хәм инновация мәселелери» деген атама менен шығарылады.

Хүрметли журнал оқыўшылары хәм авторлар! Редакция 2015-жылдың июнь айынан усы тематикаларға сәйкес мазмундағы мақалалар хәм мақалалар топламын кабыл ете баслайтуғынын хәм басып шығарыўды режелестирип отырғанын хабарлайды. «Қосымшалар»ға қосымша жазылыў 2015-жылдың июнь айынан басланады.

Мақалаларды усыныў тәртиби журналдың 2015-жыл №1 санынын мухабасының 4-бетинде көрсетилген тәртипте.

Редакция

Redaksiya ma'nzili: No'kis qalasi', A.Dosnazarov
ko'shesi, 104

Indeks: 230105 Telefon: 2228285, +998933643343.

JURNALDIN' BASIP SHI'G'ARI'LI'WI'NA

JUWAPKER A'jiniyaz ati'ndag'i' NMPI baspaxanasi'
veb-sayti'-http://jurnal.ndpi.uz.

«Илим хәм жәмийет» журнал есап бети:

Ипотека банк

p/c 20210000704302091001

МФО 00621

ИНН 204796101

Maqalalardi'n' mazmuni'na ha'm
duri'sli'g'i'na avtorlar juwapker, wolardi'n'
pikirleri redakciyani'n' pikirleri boli'p
yesaplanbaydi'

Jurnal'g'a ji'l dawami'nda jazi'lg'an avtorlardi'n'
miynetleri birinshi gezekte ja'riyalanadi'. Maqala
ko'lemi 5 betten aspawi' kerek.

Jurnal 1992-ji'ldan shi'g'a basladi'

ISSN 2010-720X

Indeksi: Jeke puqaralar ushi'n — 2101.

Ma'kemeler ushi'n — 2102.

Basi'wg'a ruxsat yetildi: 02.06.2015 j.

Buyi'rtpa: №0124. Format: 60x84 1/8.

Ko'lemi: 12.0 b/t. Jurnal ji'li'na 4 ma'rte
shi'g'adi'. Nusqasi' : 950 dana. Reestr № 11-3084.

MAZMUN'
BAS MAQALA

Пренов Б.Б Қадриятларды кәдирлеу-мукаддес миннет..... 3
TA'LIMNIN' TEORIYALIQ TIYKARLARI'

Ja'miyetlik ilimler

Абдуллаева Я., Юлдашева Ш. Сайлов жараёнида демократик тамойилларнинг устуворлиги ҳақида..... 5
 Хожалепесов П., Ажиниязов Б., Зинатдинов Д. Воспроизводительные особенности и жизнеспособности овец серой окраски..... 6

Ta'biyiy ha'm texnikali'q ilimler

Балтабаев М.Т., Ражабова С.К. Лимон өсимлигининг биоморфологиялык өзгешеликтери..... 8
 Djimabaev N., Mamatova G.SH. Joqari' da'rejeli ten'lemelerdi sheshiw usi'larini'..... 9
 Ешмуратов Ш.А., Худайбергенов К.К., Комаков М.Ш. Метод линейных оболочек при решении задач распознавания изображений..... 12
 Турманов И., Ибадуллаева И. Тоқымашылық материалларынтыныу пәни менен механиканың байланысы..... 14
 Утеулиев Н.У., Хожамуратова А. Об одной математической модели оптимального использования природных факторов при планировании АПК..... 15

Til bilimi ha'm a'debiyattani'w

Абдиназимов Ш.Н. Каракалпак тилинде пәт жок па? 17
 Ешиниязова Э.Н. Илимий фантастика жанрының өзгешеликтери..... 19
 Казыхбаев С.С. XX әсирдин акыры XXI әсирдин басындагы каракалпак балалар поэзиясында косык курылысы... 21
 Кошанов К.М. Вопросы современной каракалпакской ономастики..... 22
 Курамбоева Г.К. Маънавий кадрятлар талкинидаги ўзига хослик (Г.Матёкубова достонлари мисолида)..... 24
 Патуллаева Г. Каракалпак тилиндеги нағыс атамаларының морфологиялык курылысы..... 26
 Пазылов А.К., Арзимова Х. Каракалпак әдебиятында «Айралык» психологиясының сәуленеуи..... 27
 Рзаева Р.К., Усенова Г.А., Ешимбетова Н.М. Лингвокультурологические аспекты концепта «Мать» «ана» (на материале произведений каракалпакского поэта И.Юсупова)..... 29
 Seytjanov J., Ismaylova A. Practical use of new pedagogical technologies in the process of learning..... 31
 Шаниязов Б.Ж., Садуллаева А.Н. Глагольные фразеологизмы с морфологическим окружением в каракалпакском и английском языках..... 32

BILIMLENDIRIW, ILIM HA'M INNOVACIYA

Адиллов П., Ташимов Н., Есбоғанова Б. Мухандислик графикасини автоматик чизиш дастурларидан фойдаланиб ўқитишда дидактик муаммоларни ечиш йўллари..... 34
 Алеуова Р. Мектепке шекемги билимлендириу мәкемелеринде табиятты үйрениу мәселелери..... 35
 Берданова П. Колледж окуўшыларын кәсипке бағдарлаўдың педагогикалык машкалалары..... 37
 Фармонов О.А. О технологии разработки нового уровня компьютерного учебного справочника-Нукус..... 39
 Файзиев М.А. Табиий фанлар йўналишида «информатика ва ахборот технологиялари» фанидан «дастурлаш тили» мавзусини интеграциялашган усулда ўқитиш..... 41
 Қасымов М., Жанабергенова А. MS Excel дәстүри жәрдеминде теңлемелер системасын шешиудин методикасы... 43
 Кудярова Т., Муминова Н. Тарийх пәнин окутыўда этнографиялык материаллардан пайдаланыу методикасы..... 44
 Тлеумбетова К. Мектепке таярлык диагностикасы..... 45
 Уразимова Т.В. Билимлендириудин мазмунун хәзирги заманга сәйкес түсиниуде көркем- өнердин роли..... 47

JA'S ALI'MLAR MINBERI

Абдурахимов Қ.А. Айтиб туришларнинг тафаккур жараёнига таъсири ва роли..... 50
 Абылова Г.Ж. Эффективность использования нотного редактора Sibelius в музыкальном образовании..... 53
 Алламбергенова Г.К., Кеңесбаева Ш.К. Каракалпак эпосларының сырт еллерде үйренилиуиниң базыбир мәселелери (дәслепки дәуирлерине бир назер) 54
 Аманбаев М., Алламурастов К. Жасларга эстетикалык тәрбия берийде халык өнерментшилик түрлериниң әхмийети..... 57
 Ахмедова Н.Ш. Мактабгача таълим муассасалари ва бошланғич синфларда чет тили дарсларининг интенсификацияси жараёнининг узлуксизлиги..... 59
 Даўлетмуратова Э., Жумамуратова Г., Азизова Т. Илғор педагогик тажриба ҳақида..... 60
 Djabbarova O.A. Usage of cooperative learning methods..... 62
 Елмуратова А.У. Шахсининг меҳнат фаолияти ва касб танлашдаги психик жараёнлари, индивидуал-психологик хусусиятлари..... 63
 Хожанов Ш.Б. Каракалпак тилинде компонентлери антонимлик катнастағы жуп сөзлер..... 65
 Khojamatova G., Almatova B. Translation as the basis of integrated study skills..... 67
 Хуррамов И.А., Тошпўлатов Б.У. Экологик компетентликни шакллантиришда кейс-технологияси..... 68
 Хужаниязов У.Е. Таълим соҳасидаги ислохотлар – янгиланаётган жамият тақозоси..... 70
 Каипов Н. Сўўретлеу өнери тәлиминде окуў искерлигин басқарыу тийкарлары..... 72
 Койшекенова Т.К., Джуманиязова Н. Киши жастағы окуўшыларга англичан тилин үйретиуде музыка хәм косыклардың орны..... 74
 Қаршиев Н.Т. Аслий сифатли термин элементлар..... 75
 Қалжанов П.У. Данышпанлар дене тәрбиясының әхмийети ҳақкында..... 77
 Мамбетова И.Ж. Инглис тилинде предлоглар хәм олардың каракалпак тилиндеги эквивалентлери хақкында улыўма сыпатлама..... 79
 Мирзабуллаева Д. Шахсининг ички зиддияти конструктив ёки деструктив хулкнинг детерминанти сифатида..... 81
 Рузметова М. Умумтаълим мактаби ўқувчиларига инглиз тилини ўқитиш мазмунининг лингводидактик таркиби... 82
 Sabirova Sh.A Talabalarni axloqiy-estetik tarbiyalash texnologiyasi, shakli va usullari..... 85
 Seytjanov J., Tadjimova Sh. Using authentic materials in classroom..... 86
 Тўхтаходжаев Х.Б. Основы реализации принципа индивидуализации в физическом воспитании студентов..... 88

ILIMIY BAYLANI'SLAR

INTERNET: BIR ALI'MNAN EKI PIKIR

Кулбек Ергөбек Сәрсен улы Инсан бийкарга жасамайды... «Сиз бизиң бәримиз ушын кәдирли алымсыз!...»..... 90
ILIM HA'M MA'DEMIYATI'MIZ G'AYRATKERI
 Терехина А. Пусть каждый найдет счастливую звезду! 93
 Алламбергенов К., Утебаев Т.Т. Педагогика тарийхын изертлеуде орны бар алым..... 94

онч билан ишлашлари ва дарс давомида учрайдиган кийинчиликларни осон енгиларига ёрдам беради.

Катталарга нисбатан ёш болаларнинг, айниқса, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг диққати чегараланганлиги туфайли дарс жараёнининг хар 5-7 дақиқасида эркин машгулот ташкил қилиб туриш мақсадга мувофиқ. Бошланғич синфларда чет тилда мулоқот қилиш асослари оғзақи ва ёзма нутққа эътиборни қаратиш билан белгиланади. Ўқув вақтининг асосий қисми талаффуз, график, орфографик, лексик ва грамматик қўникмаларни шакллантиришга ажратилади.

Тил мутахассисларининг таъкидлашларича, бола 9 ёшгача тил эгаллаш бўйича ўзига хос мутахассис бўлади. Болалар томонидан чет тилларнинг нисбатан осон ўзлаштирилишини импритинг ходисаси билан боғлаш мумкин бўлиб, бу ходиса тез эса олиб қолишни, сўзлардан нутқда бирикмалар ва жумлалар ҳосил қила оладиган даражада тўғри фойдаланишни кўзда тутади.

Психолог олимлар эса, 8 ёшгача бўлган даврни болада импритинг учун қулай бўлган ёш деб ҳисоблайдилар. Бунга кўра, агар болаларга 5-6 ёшдан бошлаб чет тиллар ўргатиб борилса, 2-3 йил ичида уларга тил бўйича бирмунча кўп материал бериб, улардан оғзақи нутқда фойдаланиш қоидаларини самарали ташкил этиш мумкин. Бу жараён самарадорлиги боланинг ёлда сақлаб қолиш хусусиятлари билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам мактабгача ва кичик мактаб ёшидан бошлаб чет тилларни ўрганиш катта ёшда чет тилларни ўрганишга бошлагандан кўра тезроқ ва мустақамроқ бўлади. Болаларнинг фонематик эшитиш қобилиятлари жуда ривожланганлиги сабаб, улар барча янги сўзларни яхши ўзлаштиридилар. 5-8 ёшли болалар нафақат сўзларни, балки уларнинг хусусиятларини ҳам тасаввур қила оладилар.

Демак, таҳлилларимиздан қуйидагича фикрни келтириш мумкин, ўқувчиларга чет тилларни самарали ўргатиш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- ўқувчиларга чет тилида гаплашиш, бошқаларни тушуниш ва уларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлган имкониятларни яратиш;

- ўқувчиларни чет тилларни ўрганишга бўлган қизиқишларини юзага келтириш ва бу қизиқишнинг давомий ва узлуксиз бўлишини таъминлаш.

Чет тилини ўргатишнинг бошланғич даврида дарсда турли рақс ҳаракатларидан иборат бўлган жисмоний мақдлардан фойдаланиш ҳам мумкин. Бунда ўқувчилар олдига бу ҳаракатларнинг номини эслаб қолиш мақсади қўйилиши керак. Ўқувчилар ўзларини эркин тутишлари, ўқитувчи би-

лан бирга дарсни қизиқарли ўтишга ҳаракат қилишлари керак, чунки уларнинг чет тилда мулоқот қилишга тайёрлиги ва ўз истаklarини билдириши ушбу тилдаги мулоқот имкониятларини кенгайтиради.

Шу билан бирга, ўқув материални етказиб бериш ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади. Машгулотларни янада сермазмун ўтказишга ёрдам берадиган замонавий педагогика ва ахборот технологиялари янги билимларни яхши эслаб қолиш ва ўзлаштиришга ёрдам беради. Масалан, «Do you want to be healthy?» (Соғлом бўлишни хоҳлайсизми?) дарсида электрон ўқитувчилар Дик ва Джейннинг тушунтиришлари, шунингдек, болаларга дастлаб эпитиш орқали янги сўзлар, суҳбат ва ашулаларни ёд олиш имконини берадиган электрон дастурдан фойдаланиш энг самарали усуллардан ҳисобланади. Бу борада кўргазмали қўлланмалар, проектордан ҳам фойдаланиш болаларга чет тилда ҳикоялар тузишга ёрдам беради. Замонавий технологиялар орқали чет тилни ўргатиш кўргазмалиликни оширади. Кўргазмалилик таълим жараёнини ташкил этиш асосида ётувчи муҳим қоидалардан бири ҳисобланади. Я.А.Коменский уни дидактиканинг «олтин қоидаси» деб атаган [1:49]. Хусусан, ахборотларни эшитиб қабул қилиш самараси 15 фоиз, кўриб қабул қилиш эса – 25 фоизни ташкил этади. Таълим жараёнида, уларнинг бир вақтда фаоллият кўрсатиши нағжасида маълумотларни қабул қилиш самарадорлиги 65 фоизгача ортади. Тажрибалар асосида ўрганилаётган нарсани намойиш этиш ва жараён моҳиятини ҳикоя қилиб бериш ўзлаштириш даражасини бирмунча оширади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда чет тил саводхонлигини тўғри ташкил этиш ва узлуксизлик тамойиллари асосида ривожлантириб бориш уларнинг келажакда чет тилини ўрганишга қизиқиш билан ёндашишига ва самарали тарзда чет тилда сўзлашувга ўргатади. Бу эса, чет тил ўқитувчисига ўзига хос машаққатли вазифа юклайди. Шундай экан, бу ўқитувчилардан янада самарали ва жонқуярлик билан меҳнат қилишларини ва етарли даражада саводхонлик машгулотларини тўғри ташкил этишни талаб этади.

Мадомики, чет тилларни ўрганиш замонавий таълим тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланар экан, у ўз навбатида дунё цивилизацияси ютуқларини ўрганиш имконини беради, келажакда кенг имкониятлар яратади ва бола дунёқарабини кенгайтиради. Чет тилларни ўрганиш ёшларнинг келажакда етук мутахассис сифатида шаклланиб, ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам берувчи омиллардан бири саналади.

Адабиётлар

1. Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. – Т.: 2012. – 260 б.
2. Коменский Я.А. "Буюк дидактика". – М.: 1982. – 384 б.
3. Сафаров М.С., Мирашхорова М.А., Одилова Н.Г. "Умумий психология назарияси ва амалиёти". – Тошкент.: 2013. 132-6.
4. Anderson, Lloyd B. "Adjectival morphology and semantic space", in B. Need, E. Schiller and A. Bosch (eds), Papers from the Twenty-third Annual Regional Meeting of the Chicago Linguistic society, Part One: The General Session. Chicago: Chicago Linguistic Society, 1998.
5. Emmon B. Informal Lectures on Formal Semantics. New York: Suny, 1989. – 178 p.
6. Vyvyan E., Melanie G. Cognitive Linguistics An Introduction. Edinburgh University Press Ltd. Edinburgh, 2006. – 812 p.

РЕЗЮМЕ
Мазкур мақолада мактабгача ва бошланғич таълимда чет тилни ўқитиш жараёнини интенсификациялаш таҳлили ёритилган. Зеро, мазкур жараёни интенсификациялаш, чет тилни мамлакатимизда ўрганишга бўлган қизиқишни ривожлантиради ва таълим самарасини оширади.

РЕЗЮМЕ
В статье рассматривается процесс интенсификации в преподавании иностранного языка в дошкольном возрасте и на начальном этапе обучения. Интенсификация процесса обучения иностранному языку рассматривается как совокупность обстоятельств и внутренних факторов ведущих к повышению качества образования.

SUMMARY
The article deals with the process of intensification in teaching a foreign language at pre-school and elementary stages of learning. The intensification of the process of learning a foreign language is considered to be a totality of circumstances and internal factors, leading to the improvement of the quality of education.

ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА ҲАҚИДА

Э.Даўлетмуратова – ассистент ўқитувчи

Ажсиний номдаги Нукус давлат педагогика институтини

Г.Жумамуратова - катта илмий ходим

Т.Азизова - катта илмий ходим

Т.Н.Қори-Нижий номдаги ЎзПФТИ КК филиали

Таянч сўзлар: педагогик тажриба-синов ишлари, тажриба-синов ишларининг босқичлари, педагогик ҳаракатлар, педагогик мақсад, тажриба-синов ишларининг дастури, фараз, тажриба-синов иштирокчисининг вазифалари, натижалар.

Ключевые слова: педагогические экспериментальные работы, этапы экспериментальных работ, особенности педагогических действий, педагогическая цель, программа опытно-экспериментальных работ, гипотеза, действия экспериментатора, результативность.

Key words: pedagogical experimental works, stages of experimental works, peculiarities of pedagogical actions, pedagogical purpose, program of skilled and experimental works, hypotheses, actions of the experimenter, productivity.

Бугунги кунда жамиятнинг таълим муассасалари олдига қўяётган талаблари ёш авлодга мукаммал таълим бериш,

уларни зиёли, билимдон, баркамол инсон қилиб тарбиялашдан иборатдир. Бу эса, ўз навбатида, таълим амалиётида

эхтиёжлар асосида вужудга келган янгидан-янги муаммоларнинг самарали ечимларини топиш учун туғилган ғояларни тажриба-синовда синаб кўриш заруриятини юзага келтиради [1:31-36].

Хар қандай услуб ёки усул чиройли тарзда асосланган бўлмасин, дарс деб аталмиш тажриба майдонида ўзини оқламаसा, унинг zigирча қиймати бўлмайди. Тажриба - синов натижасида аниқланадиган муаммонинг ўзига хос жиҳати унинг муайян қисмлари орасидаги зиддиятлар асосида вужудга келади. Педагогик жараённинг бу қисми натижалар ва уни қўлга киритиш воситалари орасида намоён бўлади. Муаммони вужудга келтириш учун фақатгина зиддиятларни аниқлаш етарли эмас, бунинг учун ҳодисаларнинг моҳиятига чуқур кириш, у ҳақда нима маълум, нима ном маълум эканлигини тушуниб етиш лозим.

Педагогик тажриба муаммоси тезислар, фаразлар, концепциялар шаклида шакллантирилиб, умумпедагогик муаммоларни ўзида мужассамлаштиради.

Педагогик тажриба ишларининг мақсади - педагогик жараёнлар ёки таълим оловчи шахсини ривожлантиришнинг самарали педагогик-психологик шарт-шароитларини аниқлаш ва амалда синовдан ўтказишдан иборат. Тажриба ишлари мақсади ҳар бир тадқиқот мазмуни ва моҳиятига кўра аниқ ўқчандиган мезон ва кўрсаткичларга асосан белгиланади.

Педагогик тажриба ишларининг вазифалари:

- тадқиқот ишидаги илгари сурилган илмий фараз, илмий янгилик ҳамда ҳинмога тавсия этилаётган асосий ҳолатларни таълим амалиётида синаб кўриш орқали уларнинг ҳаққонийлик даражасига ҳолисона хулоса бериш;

- тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида тадқиқотчилар томонидан меъёрий талабларнинг бажарилганлигини баҳолаш;

- тадқиқот ишидан олинган натижаларни таълим тизимида жорий этиш юзасидан амалий йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқилишини таъминлашдан иборат.

Мазкур белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, олдимизга қўйилган мақсадларга эришиш учун белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўналишидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишда амалга ошириладиган изланишлар, олиб бориладиган тадқиқотлар жараёнида яратилган ва илмий асосланган янгиликлар, ўқитиш технологиялари, таҳлиллар, хулоса ва тавсиялар миллий таълим-тарбиянинг мақсади ва вазифаларига мос келишини, шунингдек, натижаларнинг самарадорлиги ва илмий-амалий аҳамиятини ҳамда амалиётга татбиқ этиш заруриятини асослашда кенг миқёсда ўтказиладиган педагогик тажриба ишлари ўзига хос аҳамият касб этади.

Педагогик тажриба - синов натижалари сифатида эътироф этилган кўрсаткичлар жамоатчилик фикрига ҳам таъиниши лозим. Бу ўқувчиларнинг ўқув фаолиятига муносабати ва фикри сифатида намоён бўлади. Чунки таълимга муносабат, ўқувчиларнинг билим даражаси, қобилияти, ўқув юртининг моддий-техника базиси каби омиллар барча ўқув юртида бир хил эмас. Иккинчидан, камчиликлардан мутлақо холи бўлган усул ёки услубнинг ўзи бўлмайди. Акс ҳолда, кимлардир хозиргача мутлоқ тўғри бўлган услубларни ишлаб чиққан ва бу услублар барча таълим масканларида оммалаштирилган бўларди. Натижада, бу соҳада илмий изланишларга ҳам ҳожат қолмас эди.

Илғор педагогик тажриба маълум бир муҳитда ижобий натижалар бериши баробарида, бошқа бир муҳитда яхши натижалар берадиган услубий ёндашувлар ва тажрибаларни ҳам илғор услуб ёки тажрибалар каторига қўйса бўлади. Демак, ўқитувчи ижодкор ва изланувчан бўлиб, ўзи дарс бераётган муҳитга мос тажрибаларни ажратиб олиши ва улардан фойдаланиши лозим [2:58].

Узлуксиз нашр қилинадиган илмий ва услубий журналлардаги мақолаларда ҳар бир муаллиф таълим масканларидаги мавжуд ҳолатларни ҳисобга олиб ва таҳлил қилиб нимадир демокчи, кенг педагоглар жамоасига ниманидир тақлиф қилмокчи, ўз фикрларини муҳокамадан ўтказмокчи бўлади. Бундай мақолалар билан муттасил танишиб борадиган педагог ўзи учун фойдали бўлган фикрларни ҳамisha топади. Ёки, бошқача қилиб айтганда, ҳар ким ушбу нашрлардан ўзига керагини олади. Шунинг учун ҳам бу нашрлар узлуксиз фаолият кўрсатади. Илғор фикрлардан ўзи дарс бераётган педагогик муҳит учун мос келадиганларини танлаб оладиган ва, энг муҳими, ўз педагогик

фаолиятида қўллаб, натижаларни таҳлил қилиб борадиган педагогнинг замонавий, илғор педагог дейиш мумкин.

Хар бир педагог маълум вақт оралиғида ўз тажрибасини бойитиш мақсадида малака ошириш институтларида ўз малакасини ошириб боради. Бундай масканларда дарс берувчи ўқитувчилар маълум ҳудуд, мамлакат, қолаверса бутун дунё бўйича маълум фанлар ва педагогика соҳасида рўй бераётган янгиликлар, илғор тажрибалар, уларнинг ижобий ва салбий таъсири ҳақида ўз фикрларини айтиб, ўқитувчиларни муҳокамага торта оладиган даражадаги педагоглар бўлиши лозим.

Ўқитувчи малака ошириш муддатини кутиб турмасдан, узлуксиз нашрлар билан танишиб бориш асосида ҳам педагоглар олдига қўйилган замонавий талаблар ва илғор педагогик тажрибалар билан муттасил танишиб, ўз билим ва тажрибаларини тўлдириб борса бўлади.

Ҳамма замонларда ҳам педагоглар нисбатан кам вақт ва меҳнат сарфлаш йўли билан мумкин қадар кўпроқ ўзлаштиришга эришишга имкон берувчи услубларни топиш учун ҳаракат қилганлар.

Хар бир қилинган меҳнат ўз самараси билан кадрлидир. Ўқитувчини ҳам, ўқувчини ҳам, ота-онани ҳам натижа кизиктиради. Одатда ўқитувчи меҳнатининг натижаси тезда кўзга ташланмайди дейишади. Бунда ўқувчининг бирор олий ўқув юртига кириши ёки бирор касб эгаси бўлиши назарда тутилади. Аслида, ўқитувчи ҳар йили олдинги йилги қилган меҳнатининг, ҳар чоракда олдинги чоракдаги меҳнатининг, қолаверса, ҳар бир дарсда олдинги дарсининг натижасини кўриб туради.

Ҳатто ўқувчиларнинг яхши ўзлаштиришига сабаб бўладиган баъзи услубий ёндашувлар ҳам чуқурроқ ва атрофлича мулоҳаза юритиб кўриلسа, гоҳида бир томонлама эканлиги аён бўлиб қолади. Масалан, баъзи ўқитувчилар ўзларининг талабчанлиги, қаттиққўллиги ва ўқувчилар дикқати ҳамда эътиборини йўналтира олиш қобилиятидан фойдаланиб, ўз фанларидан бериладиган топшириқлар ҳажмининг ҳаддан ташқари кўпайтириб юборишади. Мазкур жиҳат ўша фандан ўзлаштириш кўрсаткичини кўтариши билан биргаликда, бошқа фанлардан ўзлаштиришнинг пазайишига олиб келади, ҳар томонлама билимдон, замонавий кадрларни тайёрлаш учун ўқитувчи ўқувчисининг ўз фани учун ажратадиган вақти меъёрини ҳам ҳисобга олмоғи керак.

Шунингдек, ҳар бир тушунча ёки мулоҳазани жуда элементар қисмларигача қайта-қайта тушунтириш йўли билан ўқувчиларга етказишга ҳаракат қилиш, олдий ва жўн фикрларни ҳам ёзириш ва китоб билан мустақил ишлашга ҳожат қолдирмаслик каби сиралар ўқувчиларнинг фанини яхши ўзлаштиришларига сабаб бўлади. Лекин, бу ҳолат ўқувчиларда китоб билан мулоқотда бўлаолмаслик, мустақил фикрлай олмаслик, мулоҳаза юритиш йўли билан умумий хулосалар чиқара олмаслик, мулоҳазалар ва формулалар ўртасидаги боғланишларни сеза олмаслик каби нуқсонларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ушбу вазиятда, ўқувчи ташаббускор бўлиши, муаммони вазиятлардан чиқиш йўлини излаш ўрнига, доимо кимгадир ишониб оқибатида, ҳамisha бировларнинг ёрдамига эҳтиёж сезиб туради [3:92].

Экспериментатор-ўқитувчининг билим даражаси ва етарли иш тажрибаси педагогик экспериментнинг сифатли ва самарали яқунланишини таъминлайди. Уларга янги технологиялар асосида ишланган таркатма материаллар, дидактик ва методик материаллар, қийин ўзлаштириладиган мавзулар бўйича дарс ишланмаларини етказиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва бошқариш жараёнларига инновацион технологияларни татбиқ этиш асосида педагогик тажрибаларнинг самарадорлигини оширишда қўйидагиларни инобатга олишни тавсия этамиз:

- Педагогик тажриба ишларини режалаштириш, тажриба майдончаларини белгилаш, тажриба иштирокчиларининг вазифаларини аниқлаштириш;

- Ташкилотчи ва иштирокчиларга улар томонидан бажариладиган ишларнинг мазмун-моҳияти ва йўналиши бўйича зарурий ахборотлар бериш;

- Педагогик тажриба-синов жараёнининг самарадорлигини таъминлаш учун зарурий ахборотларни тўплаш, уларнинг аҳамиятини ва ишончлигини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, олинган натижаларни объектив баҳолаш;

-Иштирокчиларнинг билим, кўникма ва малакаларининг ривожланиши, ўзлаштириш кўрсаткичлари даражасининг ўсиши билан белгиланишига алоҳида эътибор қаратиш;

-Педагогик тажриба жараёнида самарадорлиги текширилаётган янгилик ва инновацияларнинг тажриба - синовлари, уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиш лозим;

-Педагогик тажриба иштирокчиларига имкониятлардан фойдалана олиши лозим бўлган шарт-шароитлар яратиш;

- Белгиланган функционал вазифаларни маълум бир изчиликда амалга ошириш.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, таълим-тарбия жараёни кўп қиррали соҳа бўлиб, унинг қайсибир қиррасини ривожлантиришга бўлган эътибор бошқа бир қиррасининг сусайишига олиб келмаслиги лозимдир.

Бунда ҳар қандай тажрибали педагог ҳам ўзи йўл қўяётган камчиликларни сезмасдан қолиши мумкин. Бу борада шунинг учун ҳам ўзаро дарсларга кириш, даврий нашрлар билан доимий равишда танишиб бориш, илмий анжуманларда иштирок этишни мунтазам фаолиятга айлантириш бундай нуксонларни ўз вақтида сезиш ва тузатишга имкон беради.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» Барқамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: «Шарк» НМК, 1997- 31-36- б.
 2. Мусуурмонов Р, Каҳхорова Ф. Тажриба- синов ишларини ташкил этишнинг илмий-амалий асослари. – Тошкент: «Фан», 2007й. 58 б.
 3. Р.Мусуурманов. Педагогик тажриба-синов ишларини жорий этиш механизмлари. – Тошкент: «Фан», 2013, 92 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада узлуксиз таълим тизимида ташкил этиладиган ва бошқариладиган педагогик жараёнлар самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ҳамда педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлаш шартлари ҳақида сўз юритилади. Мақолада узлуксиз таълим тизимида педагогик тажриба-синов ишларига тайёргарлик босқичлари муаммолари таҳлил этилган. Унда муаммонинг психологик-педагогик ва дидактик асослари очиб берилган. Мақолада педагогик кадрларни тайёрлашнинг муаммолари таҳлил қилинган. Унда келажакда етук мутахассисларнинг етишиб чиқиши учун шарт-шароитлар ва компетенциявий хусусиятлар ҳақида тўхғалиб ўтилади.

РЕЗЮМЕ

В статье освещаются особенности организации педагогических процессов в системе непрерывного образования и управления ими, а также изучаются факторы, способствующие повышению эффективности образовательного процесса. Изучаются проблемы подготовки и этапы проведения педагогических опытно-экспериментальных работ в системе непрерывного образования Республики Узбекистан. В ней раскрываются психолого-педагогические и дидактические аспекты проблемы. Автор статьи затрагивает также вопросы подготовки педагогических кадров. В ней обозначены современные требования к будущим специалистам с учётом формирования профессиональной компетентности и личностных качеств.

SUMMARY

The article deals with the peculiarities of organizing pedagogical processes and managing them in the system of continuous education and the factors, promoting to the improvement of educational process. The article deals with the issues of training and stages of pedagogical experimental work in the system of continuous education in the Republic of Uzbekistan. It also gives information about the psycho-pedagogical and didactic aspects of the problem under discussion. The author also studies the issues of training the pedagogical staff.

USAGE OF COOPERATIVE LEARNING METHODS

O.A.Djabbarova - teacher

The Tashkent state pedagogical university named after Nizami

Таянч сўзлар: ҳамкорликда ўқитиш, джигсоу, гуруҳ иши, коммуникация, креативлилик, презентация, матн, оғзаки нутқ.

Ключевые слова: обучение в сотрудничестве, джигсоу, групповая работа, коммуникация, креативность, презентация, текст, устная речь.

Key words: cooperative learning, jigsaw, group work, communication, creativeness, presentation, text, oral speech.

One of the modern methods of teaching the English language is considered as an interactive technique of teaching. Interactive activities in the classroom are based on five key elements: positive interdependence, individual responsibility, facilitating communication, collaboration skills and group work. Interactive procedure excludes dominance of one speaker and one opinion over the others. During the course, students learn to think critically, solve important problems on the basis of analysis of the circumstances and relevant information, weigh alternative opinions, make informed decisions and participate in discussions. To achieve this goal, the classroom is organized as an individual, pair and group works, which are applied on research projects, role-playing, work with documents and various sources of information, creative works [1].

In this article we look at teaching methods in cooperation as one of the most effective types of interactive methods of teaching English, which promotes the development of oral speech.

Cooperative learning, training in small groups refers to technologies of humanistic pedagogy. The basic idea of this technology - to create the conditions for an active cooperative activities of students in different educational situations. In each group there are students of different levels of knowledge. Some of them are well aware the lesson - quickly grasp new knowledge, masters of the lexical material, and have communicative abilities, while other students need constant direction of the teacher, they need not only significantly more time to reflect on the material, but also additional examples and explanations. Or there are some students who are shy to speak to classmates, having fear of being wrong. In such groups in the classroom of the English language very effectively conducts cooperative learning, the basic idea of which is to bridge the gaps in the learning process through joint efforts of students [4]. Teacher has to combine some of the students in groups of 3-4 persons, that in each group are strong and weak students. Further, teacher gives the task to groups, explaining the role of each participant in the assignment. During the quest, there is a situation in which everyone is responsible not only for the result of his work, but that is especially important for the outcome of the whole group. So weak students trying to find out from all the strengths the

uncertain issues, and strong students interested in that all members of the group in the first place, a weak student thoroughly understand the material, and along with a strong student has the opportunity to test their own understanding of the issue, to reach the most essence. Thus, it organizes an interesting job, which involves all students, inclusive the weak ones who try to master independently the new material by communicating with other members of the group.

This method is valuable in that it is possible to carry out multi-level approach to teaching a foreign language. Teachers who use group work, can easily provide students with different abilities and potential split-level tasks. In this case the student, who was considered as the most "weak", feels capable of performing the task given to him, which ultimately increases his motivation to study this subject. Thus, it is sure to say that the technology of training in collaboration considers quite a lot of benefits that can be used along with traditional teaching methods.

This method has developed in collaboration efforts of many teachers in many countries and therefore there is a quite diverse in their versions. However, with all the diversity, there are basic principles of collaborative learning given in the scientific work of the famous scientist E.S Polat, which are summarized as follows:

1. Groups of students formed by the teacher before the lesson according to psychological compatibility of students. In this case, each group must have "strong", "medium" and "weak" students. If the group is working on several lessons harmoniously and productively together, there is no need to change its structure. This is a base band. If for some reasons the work is not going well, the composition of group can be varied from lesson to lesson.

2. A group is given one task, which should provide the distribution of roles between group members. Roles can be shared by both teachers and students within the group.

3. Marking of the work must be not only for one student, but for the whole group, i.e., the teacher puts a mark for the whole group. It is important that not only the knowledge is assessed, there more the effort of students, too. In some cases, the teacher